


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● www.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 28 ноябрь, № 230 (6413) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2015 ЙИЛ 9 ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



*27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

Унда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Депутатлар мамлакатимиз Конституциясида Қонунчилик палатасига берилган ваколатларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини батафсил кўриб чиқдилар.

Тақдим этилган ҳисобот Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталарида Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, соҳа экспертлари, ОАВ вакиллари иштирокида дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Сиёсий партиялар фракцияларида кенг таҳлилий ишлар ўтказилиб, бу депутатларга электорат манфаатлари ҳамда дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз бош молиявий ҳужжати ижросининг боришига нисбатан ўз қатъий нуқтаи назарларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз Ҳукуматининг жорий йил 16 январида бўлиб ўтган мажлисида белгиланган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишларининг амалга оширилиши, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг ўрта муддатли дастурларини амалга оширишни давом эттириш асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий динамикаси сақлаб қолинишини ҳамда иқтисодиётнинг янада мутаносиб ривожланиши учун мустаҳкам асос яратилишини таъминлаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Чунончи, жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8,0 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 7,3 фоиз ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Бунда макроиқтисодий барқарорлик янада мустаҳкамланиб, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси кузатилди.

(Давоми 2-бетда).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИГА**

*Ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий белгиси — бу, албатта, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, жамият ҳаётида қонунлар устуворлигини таъминлашдан иборат. Конституция барча қонунларнинг асоси сифатида юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, янгиланиш ва демократлаштириш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда.*




## Кучли ижтимоий сиёсат пойдевори

Асосий Қонунимиз жамият ҳамда давлат, қолаверса, ҳар бир инсон, ҳар қайси оила ҳаётида муҳим ўрин тутади. Ваҳолонки, ҳеч бир давлатда ҳеч қайси фуқаро ўз ҳаётини, кундалик турмуш тарзи ва келажагини Конституция ҳамда қонунларсиз тасаввур қилолмайди. Конституциямизда жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилага алоҳида боб ажратилиши, ҳар бир оила жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги кафолатлангани, оналик ҳамда болалик давлат томонидан муҳофаза қилинишига оид меъёр қайд этилгани болажон, бағрикенг ва оилапарвар халқимизда фахр ҳиссини уйғотади. Мазкур нормалар хорижлик экспертлар томонидан ҳам юксак эътироф этилаётир. Уни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос жиҳати, ўзбекона қадриятларнинг қонунчиликдаги ифодаси сифатида баҳоламоқдалар. Зеро, она ҳамда бола саломатлиги, keксаларга ғамхўрлик кўрсатиш, оилалар барқарорлигини таъминлаш истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ белгиланган тараққиётнинг "ўзбек модели"да мавжуд беш тамойилнинг бири — кучли ижтимоий сиёсат юритишнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

# Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Ташқи таъсирларга чидамли, иссиқлик ва совуқликдан ҳимояловчи ҳамда шовқинни тутиб турувчи базальтли хом ашёдан тайёрланадиган махсус қопламалар шу чоққача мамлакатимизга хориждан келтириларди.*

## Ташқи таъсирларга чидамли

Бекобод шаҳридаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти қошида янги цех фаолият бошлаши билан бундай маҳсулотларни ўзимизда тайёрлаш имконияти яратилди.

60 кишилик жамоа юртимиздаги йирик нефть-газ, кимё ва кончилик саноати, қурилиш ҳамда халқ хўжалигининг кўпгина етакчи тармоқлари буюртмаларига асосан, қаттиқ ва яримқаттиқ турдаги материалларнинг дастлабки туркумини етказиб беришга эришди. Эътиборлиси, бу ерда маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланилаётгани ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш баробарида, маҳсулот сифати ва таннархини мақбуллаштиришда ҳам муҳим омил бўлаяпти.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Бинолар кўрки

*Юртимиз шаҳару қишлоқларида қад ростлаётган биноларнинг ташқи ҳамда ички безаклари улар кўркига кўрк қўшувчи восита ҳисобланади.*

Бироқ бундай пардозлаш ашёларининг ҳам сифатли, ҳам арзон бўлиши буюртмачию харидорларнинг устувор талабидир.

Хива туманининг Гандимиён қишлоғидаги "Жамол Юлдуз савдо сервис" хусусий корхонаси жамоаси ўз фаолиятини йўлга қўйишда ана шу жиҳатларни эътиборга олди. Натижада бу ерда банкнинг 500 миллион сўмлик кредити ва кичик бизнес субъектининг ўз маблағи ҳисобига шпатлёвка, профиль, пенопласт, лок-бўёқ каби қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Улар мижозларга маъқул тушаяпти.

— Илғор технологияларимиз йилига бир миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотлар тайёрлаш қувватига эга, — дейди лойиҳа ташаббускори Жамолиддин Отажонов. — Шу асосда келгусида қурилиш материалларимиз турини 10 тадан оширишни мақсад қилганмиз. Бу орқали жамоамизда ишлаётганлар сони 20 нафарга етади. Муҳими, илгари олис ҳудудлардан келтириладиган бундай маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилиши ҳисобига маҳаллий бинокорлар ҳамда туман аҳолиси учун қўшимча қулайлик яратилади.

Айтиш жоизки, жорий йил бошидан буён вилоятда 67 та ана шундай корхона ташкил этилди.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Меҳнат ярмаркаси

*Жарқўрғон тумани Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда маҳаллий корхона ҳамда ташкилотлар 469 та бўш иш ўрни билан қатнашди.*

Туман ҳокимлиги, прокуратураси, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда мавжуд иш ўринларидан 248 таси ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, кўп болали ота-оналар ҳамда ногиронлар учун банд қилиб қўйилди.

Якунда 58 нафар фуқаро бўлажак меҳнат жамоалари билан шартнома имзолади. 39 кишига эса меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Буюртма харидор талаби асосида бажарилади

*Ромитан туманидаги "Зебунисо Юлдузхон" оилавий корхонасининг тикувчилик цехида "Биз учун муҳими — мижоз истаги" деган ёзувга кўзингиз тушади.*

— Бу ерга келган киши ишимизни кўриб, албатта, бирор либосга буюртма беради, — дейди корхона раҳбари Зебо Остонова. — Бунга мижозлар хоҳиш-истагига мос кийим-кечаклар тикиш эвазига эришдик. Фаолиятимизни икки йил муқаддам атиги битта тикув машинаси билан бошлаган эдик. Ҳозир эса улар сони салкам ўнтага етди. Қолаверса, коллеж битирувчиларига ҳам "Устоз — шогирд" анъанаси асосида тикувчилик сирларини ўргатаяпмиз. Мажмуамизда, шунингдек, пойабзал таъмирлаш устахонаси, "Гўзаллик салони" ишлаб турибди. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятда аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 116,6 фоиз ошди. Бунда "Зебунисо Юлдузхон" каби оилавий корхоналарнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий хўжалик суди судьялари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари, ҳуқуқшунослар, видеоконференцалоқа тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар хўжалик судлари судьялари қатнашди.*

## Олий хўжалик суди Пленуми йиғилиши

Таъкидланганидек, юртимизда иқтисодиётни либераллаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида молиявий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилиб, салмоқли ютуқ ҳамда натижалар қўлга киритилмоқда.

Бугун мамлакатимизда лизинг муносабатлари ривожи учун ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асос ва кенг имтиёзлар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларини янада ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда бошқа ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси таъминланаётир.

Хўжалик судлари томонидан лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаш бўйича суд амалиёти таҳлили судларга шу масала бўйича тушунтириш берилишини тақозо этди. Шундан келиб чиқиб, Пленум мажлиси муҳокамасига киритилган "Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормалари хўжалик судлари томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида"ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

## Устувор вазифалар масъулияти

*Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, давлатимиз раҳбарининг нутқини катта эътибор билан тингладик.*

**МУНОСАБАТ**

Унда кейинги йилларда ҳудудда эришилган ютуқлар эътирофи билан бир қаторда, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишда айрим камчиликлар ва муаммолар мавжудлиги айтиб ўтилди. Бу, ўз навбатида, вилоят аҳлини мулоҳаза қилишга, истиқбол режаларининг муваффақиятини таъминлашда фаоллик кўрсатишга ундайди.

Таъкидланганидек, Наманганда кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, жорий йилнинг тўққиз ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 9 фоиз ўсди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий инфратузилма ҳамда коммуникация тармоқларини ривожлантириш ва шу асосда аҳоли турмуш даражасини кўтаришга йўналтирилган тадбирлар кўлами кенгаймоқда. Бироқ имкониятлардан оқилона фойдаланилмаётгани натижасида иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, хусусан, саноат соҳаси оқсаётгани бор гап. Айниқса, вилоятдаги 327 та ишлаб чиқариш субъектининг 10 фоизи ишламай тургани, 16 фоизи эса паст қувват билан ишлаётгани, чиндан ҳам, афсусланарлидир. Оқибатда кейинги йилларда саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши атиги 11 фоизга яқинни ташкил этаяпти.

Хўш, мазкур ҳолатларнинг сабаблари нимада? Президентимиз, аввало, вилоятда стратегик аҳамиятга эга, ташқи бозорга маҳсулот чиқаришга қодир бўлган йирик саноат корхоналарини қуришга етарлича эътибор берилмаётганига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»:

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Мамлакатимизда фуқаро авиацияси соҳасини замон талаблари асосида ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар самараси ўлароқ, ўтган қисқа давр мобайнида республикамизда жаҳон стандартларига тўла мос келадиган авиаташув инфратузилмаси шакллантирилди.*

**ИСЛОҲОТ**







Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўз навбатида, Ўзбекистон халқаро авиация алоқаларини мустаҳкамлаш борасида ниҳоятда қулай ҳудудда жойлашганини бутун дунёга намоён этиб, Европа билан Шарқий Осиё ўртасида муҳим транспорт тармоғи бўла олишини исботлади, минтақанинг йўловчи ва юк ташиш бўйича юксак салоҳиятли транзит марказига айланди.

Энг сўнгги русумдаги самолётлар билан тўлдирилган авиапарк, кўркам аэропортлар, янги терминаллар, илғор тренажёрлар, техник ва технологик модернизация жараёнлари, хавфсиз ҳамда қулай хизмат кўрсатиш ва малакали кадрлар тайёрлаш тизимлари билан яқиндан танишган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади.

Хусусан, ўтган даврда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясига ўнта "А-320", учта "Boeing-767", бешта "Boeing-757" ҳаво лайнери харид қилинди. Маҳаллий шароитларга мос ўзимизнинг "Ил-114-100" самолётларидан ҳам самарали фойдаланилаяпти. Келгуси йили эса замонавий "Boeing-787-8 Dreamliner" лайнери қабул қилиб олинади. Булар мамлакатимиз фуқаро авиацияси соҳаси салоҳиятини янада ошириши, шубҳасиз.

Фахрланарли жиҳати, Миллий авиакомпаниямиз фаолияти нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак эътироф этилаяпти. Жумладан, ўтган йили у IOSA аудитидан муваффақиятли ўтиб, Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA) аъзолигига қабул қилинди. Шуларнинг ўзиёқ унинг жаҳон бозоридаги ўрни янада мустаҳкамланиб бораётганини англатади.

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

### Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда

**3440 та** **янги ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди.**

2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш ҳудудий дастурлари ижроси доирасида кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилингани туфайли ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2015 ЙИЛ 9 ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чуқур ўйланган, пухта пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатининг амалга оширилганлиги Давлат бюджети даромад қисмининг прогноз кўрсаткичларига нисбатан 100,2 фоизга ижро этилишини таъминлади, бу ЯИМга нисбатан 22,4 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетининг харажатлари ЯИМга нисбатан 22,3 фоизни ташкил этиб, бу Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини ЯИМга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан ижро этиш имконини берди.

Бюджет харажатлар қисмининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланганни бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари томонидан ҳисобот юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида иқтисодиётда эришилган ижобий-таркибий силжишлар, сифатли ўзгаришлар ва тенденциялар унинг барқарор ҳамда мутаносиб ривожланишини таъминлади ва Давлат бюджетини профицит билан ижро этиш имконини берди, — дейди **Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С. Намозов.** — Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли тобора ошиб бораётганлиги иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлади. Шунингдек, солиқ юки сезиларли камайиб бораётганлиги шароитида кичик корхоналар ва микрофирмалардан ягона солиқ тўлови тушумлари ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 22,9 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан эса 25,4 фоиз ошди. Бу татбиқ этилаётган солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг самарадорлигидан далолат беради.

Таъкидландики, жаҳон бозорларида сақланиб турган беқарорлик шароитида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ва номенклатурасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар товарлар ва хизматлар экспортининг ошишига хизмат қилди. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва унинг рақобатдошлигини ошириш, ташқи бозорларда харидоргир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги қувватларнинг ишга туширилишини рағбатлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида йил бошидан буён экспорт фаолиятига яна 830 та корхона жалб этилди.

Мажлисда ижтимоий соҳа харажатлари таркибининг катта қисмини ҳамон таълим ва соғлиқни сақлаш харажатлари ташкил этаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Давлат бюджетининг 9 ойлик ижроси давомида ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратилган, — дейди **Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С. Арзикулов.** — Давлат бюджети маблағларининг қарийб 60 фоизи айнан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ва унинг фаровонлигини оширишга йўналтирилганлигининг ўзиёқ ана шундан далолат беради.

Ҳисобот даврида таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим жараёнининг даражаси ва сифатини такомиллаштиришга қаратилган таълим стандартлари ҳамда дастурларини такомиллаштириш, шунингдек, ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни давом эттириш масалаларига биринчи даражали эътибор қаратилди. Бунда ижтимоий соҳа харажатларининг 56,3 фоизи таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантиришга йўналтирилди.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда олиб борилди. Ҳисобот даврида Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 24 фоизи соғлиқни сақлашни ривожлантиришга йўналтирилди. Бу эса 2014 йилнинг худди шу давридагига нисбатан 17,1 фоиз кўп демакдир.

Мажлис давомида депутатлар жойларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиққа оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини ҳамда берилган имтиёзлар ва преференциялардан самарали фойдаланилишини таъминлаш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, шунингдек, тегишли ҳудудларнинг молиявий имкониятларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Депутатлар марказда ва жойларда давлат бошқаруви органларининг, бюджет ташкилотларининг бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини, молиявий интизомга риоя этилишини таъминлаш бўйича масъулиятини оширишга, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ва қоидаларининг ижро этилиши устидан назоратни янада кучайтиришга доир бир қатор таклифлар билдирдилар.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# Олий хўжалик суди Пленуми йиғилиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу ҳужжат лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунлар нормаларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш юзасидан хўжалик судларига аниқ тушунтириш бериш ҳамда бу борада ягона суд амалиётини шакллантиришга қаратилган.

Қарор лойиҳасида шу тоифадаги низоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган лизинг объектлари, қўшимча лизинг, лизинг берувчи ва лизинг олувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, лизинг шартномаси шартлари, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи, лизинг объекти билан боғлиқ хавфлар, лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланиш, лизинг субъектларининг жавобгарлиги каби масалалар юзасидан батафсил тушунтиришлар берилаётир.

Пленум мажлисида “Акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари томонидан ахборотни ошкор қилишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби бузилган ҳолда амалга оширилган битимларини ҳақиқий эмас деб топиш ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни ноқонуний деб топишнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарор лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. У давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пайтда ушбу Фармон акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун улар очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш ҳамда корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш имконини бермоқда.

Аёнки, акциядорлик ҳамда бошқа хўжалик жамиятлари томонидан ахборотни ошкор қилиш билан боғлиқ талаблар Фуқаролик кодекси, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳамда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунларда ўз ифодасини топган.

Қонун ҳужжатларида акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари томонидан ахборотни ошкор қилиш тартиб-таомилларининг белгиланиши акциядорлар, шунингдек, хўжалик жамиятлари иштирокчиларининг жамият фаолиятидан хабардор бўлиб туришини ҳамда жамият фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Акциядорлик ҳамда бошқа хўжалик жамиятлари томонидан ахборотни ошкор қилишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби бузилган ҳолда амалга оширилган битимларнинг ҳақиқий эмас, деб топилиши ушбу битим тузилиши орқали ҳуқуқи бузилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тиклаш учун асос бўлади.

Пленум қарори лойиҳаси мазкур тоифадаги низоларни ҳал этиш жараёнида моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш бўйича тушунтиришларни ўз ичига қамраб олган.

Пленум мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Кучли ижтимоий сиёсат пойдевори

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда бундай оқилона сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги юксалди, турмуш шароитлари, саломатлик кўрсаткичлари яхшиланди. Муҳими, Конституциямизда белгиланган қоида ва тамойилларнинг ижроси, ҳуқуқий асосларимизнинг миллий урф-одатларимиз, анъана ҳамда қадриятларимиз билан муштараклиги таъминланди.

Каттага ҳурмат, кичикка иззат тушунчалари асосида фарзандларини тарбиялаётган юртдошларимизнинг истак-хоҳиши давлатимиз раҳбари томонидан 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинганида ҳам яққол намоён бўлди. Ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналарини ўзида мужассамлаштирган Давлат дастурида нуронийлар ҳаёт даражаси ҳамда сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш мақсади устувор аҳамият касб этди. Чунончи, Давлат дастури ижроси доирасида уруш ҳамда меҳнат фронти фахрийлари, шунингдек, ёлғиз ва ижтимоий кўмакка муҳтож қарияларнинг яшаш шароитлари яхшиланди, коммунал хизматлар бўйича 2,6 миллиард сўмлик компенсация тўловлари тўланди. Умуман, жорий йил бошидан буён унда белгиланган, кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга барча манба ҳисобидан 2 триллион сўмликдан ортиқ маблағ йўналтирилгани нафақат юртдошларимиз, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак эътироф этилмоқда.

Халқаро “Эл Виста” тадқиқотлар маркази таҳлили натижаларига кўра, Ўзбекистон дунёда узоқ умр кўрувчилар сони бўйича Япония, Хитой, АҚШ, Буюк Британия ва Италиядан сўнг 6-ўринни эгаллагани бежиз эмас. Зеро, азалдан халқимиз жамият равнақи, эл-юрт ривожи йўлида хизмат қилган нуроний отахону онахонларимизни қадрлаб, ҳурматини жойига қўйишга одатланган. Меҳр-эътибор, эъзоз топган, ардоқланган инсон эса узоқ умр кўриши табиийдир. Айни пайтда қадрият даражасига кўтарилган ушбу анъаналар Асосий Қонунимизда ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциямизнинг 66-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишига оид меъёр мавжудлиги бунинг тасдиғидир.

Инсон борки, миллати, ёши, эътиқодидан қатъи назар, ўз бахтини, аввало, оиласи, яқинларининг тинчлиги, саломатлиги, хавфсизлиги билан боғлайди. Оиланинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги эса жамият, давлатнинг тараққиётини белгилайди. Шу боис Конституциямизда, у асосида қабул қилинган бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларида ҳам оила, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилади.

Дунёда шундай давлатлар борки, уларда ҳатто ойкуни яқинлашиб қолган аёлларга ҳам суғурта тўловисиз тиббий хизмат кўрсатилмайди. Ҳар қандай тиббий, ҳуқуқий ёрдам моддий восита орқали амалга оширилади. Кучли ижтимоий сиёсат юритилаётган юртимизда ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан кафолатлаб қўйилган. Нафақат болалар ва ҳомиладорларга ёки шошилинч, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда, балки соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинларида ҳамда бир қатор давлат даволаш-профилактика муассасаларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдам давлат томонидан бепул кўрсатилади. Бу борадаги ислоҳотлар ҳақида сўз юритилганида, кейинги йилларда мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Мухтасар айтганда, халқимизнинг олий мақсади, иродасини ўзида мужассам этган Конституциямиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди. Қолаверса, Асосий Қонунимизнинг туб моҳияти ва халқимиз ҳаётидаги аҳамиятини ўсиб келаётган баркамол авлод — ёшларимизга тарғиб қилиш, тушунтириш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Зотан, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ҳамда ҳар томонлама ўрганиш, унинг маъносини англаш, ундаги нормаларга тўлиқ амал қилиш, ҳуқуқ ва ваколатлардан самарали фойдаланиш, дастуриламал қўлланмага айлантириш ёшларимизнинг олий мақсади бўлиши айни муддаодир.

**Шуҳрат ЯКУБОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш

## хотин-қизлар манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир



Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

*Аёлни улуғлаш, унга оила гултожи, келажак авлод тарбиячиси, миллат давомчиси сифатида эҳтиром кўрсатишдек азалий қадриятларимиз истиқлол шарофати билан янгича маъно-мазмун касб этди. Хусусан, хотин-қизларни ижтимоий фаоллаштириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорликка жалб қилиш каби устувор йўналишлардаги саъй-ҳаракатлар қамрови тобора кенгаймоқдаки, пировардида уларнинг оилада ҳам, давлат ва жамият ҳаётида ҳам нуфузи юксалиб бораётир.*

АЁЛ. ОИЛА. ЖАМИЯТ

Зеро, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги, оиланинг, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Пойтахтимизда “Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти” кўрик-танловининг мамлакат босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимида ана шулар хусусида сўз юритилди. Унда парламент аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхона ҳамда ташкилотлар, бирлашмалар, маҳаллалардаги бошланғич ташкилотлар вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Юртимизда хотин-қизларни ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бу борадаги қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси алоҳида ўрин ҳамда мавқега эга. Ушбу жамоат ташкилоти томонидан аёлларга оид давлат сиёсатини кенг жамоатчиликка етказишда, хотин-қизларга ҳар томонлама кўмаклашишда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, ижтимоий аҳамиятга молик дастурларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича изчил ҳамда самарадор чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Бугунги кунда ушбу жамоат ташкилоти тизимида қирқ бир мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар фаолият юритмоқда. Улар вазирлик, идора, корхона ва ташкилотларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ўқув муассасаларида хотин-қизларга бўлган эътиборни кучайтириш, оилада ва жамиятда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш, ёшларимиз, айниқса, қизларимизни миллий қадриятларимизга ҳурмат ҳамда садоқат руҳида тарбиялаш, эрта никоҳлар ва ажралишларнинг олдини олиш каби долзарб йўналишларда салмоқли натижаларга эришишда муносиб улуш қўшаётир. 2012 йилдан буён Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти” кўрик-танлови ўтказиб келинаётгани қуйи тизим фаолиятини давр талабларига кўра такомиллаштириб боришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида 37 мингга яқин бошланғич ташкилотлар раислари қатнашди. Уларнинг 122 нафари мамлакат босқичига йўлланма олди. Бу галги танловда анъанавий номинациялар қаторида “Энг намунали қўшма корхона хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти” ҳамда “Энг намунали ҳарбий қисм хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти” йўналишларида ҳам ғолиблар аниқланди.

“Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти” кўрик-танлови республика босқичи ғолиб ва совриндорлари диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Фарида МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Устувор вазифалар масъулияти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ваҳолонки, бугунги кунда давлатимиз томонидан иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун қулай муҳит, барча зарур шарт-шароит яратиб берилган. Энди ташаббус ва ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаш қолган, холос. Зотан, изланган чора топади, эртанги кун ташвиши билан яшайди, фаолияти ҳамиша барқарор бўлади. Ўзи ҳам, элу юрт ҳам наф кўради.

Юртбошимиз ислоҳотларни рўёбга чиқаришга доир бошқа камчиликларни ҳам айта туриб, уларнинг ечимини, ҳал этиш йўлларини чуқур таҳлил қилиб бердилар. Яқин истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳалар, вилоят аҳли олдида турган долзарб вазифалар хусусида атрофлича сўз юритдилар. Наманган вилоятининг саноат салоҳияти ва инфратузилмасини кескин ривожлантириш бўйича 2016 — 2019 йилларга мўлжалланган махсус дастур устида бошланган ишлар ўз якунига етаётганини эшитиб, ниҳоятда қувондик. Давлатимиз раҳбари бешта асосий йўналишдан иборат, умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларига тенг 250 дан зиёд лойиҳани ўз ичига олган ушбу дастур янги саноат объектларини барпо этиш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш, қўшимча меҳнат ўринлари яратишда жуда муҳим эканлигини қайд этдилар. Бу, вилоятимиз иқтисодий салоҳияти жадал ва изчил юксалиб боради, деганидир.

Мухтасар айтганда, сессияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тараққиётнинг навбатдаги босқичига кенг йўл очади. Биз, Наманган вилояти аҳли Президентимиз белгилаб берган вазифаларни билим ҳамда салоҳиятимизни ишга солиб, ҳамжиҳатликда якунига етказамиз. Юксак ишончни оқлаймиз. Халқимизнинг янада обод, бахтли ва мунаввар ҳаёти учун муносиб ҳиссамизни, албатта, қўшамиз.

**Аваз ИБРАГИМОВ, Наманган шаҳридаги «Техностандарт тест» қўшимча масъулиятли жамият бош мутахассиси.**

## «Ўзбекистон ҳаво йўллари»:

# МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, бундай янгиланишлар мутахассис кадрлар тайёрлаш, улар малакасини ошириб боришни ҳам тақозо этади. Бу борада Миллий авиакомпания Ўқув-машқ марказининг ўрни беқиёс. Зеро, бу ерда “Boeing-757/767”, “А-320” самолётларининг замонавий тренажёрлари, “Ил-114-100” ҳаво лайнерининг мукаммал “Full-flight” қурилмаси ўрнатилган.

Кеча мазкур мажмуада “А-320” самолётининг янги авлод симулятори (“Full-flight”) тақдимоти бўлиб ўтдики, бу ҳам жабҳадаги такомиллашув жараёнлари изчил давом эттирилаётгани тасдиғидир.

— Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатимиз ҳаво йўллари тизими замонга уйғун ҳолда ривожлантириб борилаяпти, — дейди “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК Парвозлар хавфсизлиги инспекцияси транспорт авиацияси учувчи-йўриқчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Зархўжа Сайдазимов. — Жумладан, Ўқув-машқ маркази моддий-техника базасини мустаҳкамлаш доимий эътиборда. Канаданинг авиацион тренажёрлар ишлаб чиқариш борасида жаҳонга машҳур “CAE” компанияси томонидан тайёрланган “А-320” симуляторининг бу ерга олиб келингани ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир. Таъкидлаш жоизки, янги тренажёр авиакомпания учувчиларига ностандарт ҳолат ва вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш ҳамда ҳаракатларни реал воқелик асосида амалга ошириш имконини беради.

Тақдимот давомида ушбу техник восита хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

— Мазкур симулятор энг замонавий компьютер таъминоти, олти томонлама ҳаракатланиш, уч каналли “IG” ҳамда коллимацион экран ва аэропортлар маълумот базасидан иборат “Tropos 6000 XP” серияли кўриш тизимлари билан жиҳозланган, — дейди “CAE” компанияси дастурлар менежери Жеймс Мосс. — У учувчиларга фавқулодда ҳолатлар шароитидаги мураккаб ҳамда визуал саҳналарни кўрсатиш имконига эга. Оғирлиги қарийб 10 тоннани ташкил этади. Қурилмани монтаж ва ўрнатиш ишлари канадалик мутахассислар томонидан амалга оширилди. Ўз навбатида, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг саккиз нафар муҳандиси ўқитилиб, уларга симуляторга мустақил техник хизмат кўрсатиш учун рухсатнома берилди. Айни пайтда МАК учувчи-йўриқчилари билан биргаликда у синовдан ўтказилиб, қабул қилиб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан Ўқув-машқ марказига янги тренажёрдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди.

— Ҳамкасбим янги симулятор ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди, — дейди “CAE” компанияси лойиҳа менежери Лионель Суисса. — Шу боис юртингизнинг бетакрорлиги, халқингизнинг меҳмондўстлиги ҳақида гапирмоқчиман. Бу менинг Ўзбекистонга илк сафарим. Таассуротларим улкан. Юртингиздаги ободлик, фаровонликка ҳавасим келди. Бу орада Самарқанд, Бухородаги тарихий обидаларни томоша қилиш имконияти ҳам туғилди. Ишонасизми, ўзимни худди Шарқ эртаклари оламида юргандек ҳис қилдим. Тошкент шаҳрининг гўзаллиги эса алоҳида таърифга лойиқ. Кенг ва равон кўчалар, замонавий бинолар, таълим масканлари, спорт мажмуаларини кўриб, халқингизнинг бунёдкорлик салоҳиятига қойил қолдим. Пойтахтингиз, том маънода, йирик мегаполис эканига ишонч ҳосил қилдим. Фурсатдан фойдаланиб, яқин истиқболда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликни давом эттириш, кооперацион алоқаларни янада ривожлантириш истагида эканимизни билдирмоқчиман.

Мухтасар айтганда, “А-320” “Full-flight” симуляторининг фойдаланишга топширилиши Миллий авиакомпаниямиз учувчиларини тайёрлаш ва малакасини оширишда муҳим ўрин тутади. Айни пайтда бу валюта маблағларини тежаш, қолаверса, чет эл авиакомпанияларига тренинг хизматларини кўрсатиш орқали даромад олишга ҳам шароит туғдиради.

**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

MIKROKREDITBANK

*Мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизлар, энг аввало, жамиятдан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилади. Шу йўлда билим олади, касб-ҳунар эгаллайди. Келгусида улар учун таклиф этиладиган иш ўринлари ана шундай орзу-умидлар рўёби сари йўл очиши, шубҳасиз. Шу боис Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган ижтимоий-иқтисодийислоҳотлар жараёнида жойларда ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

# ИМКОНИЯТ ВА РАҒБАТ

## ёш тадбиркорларнинг бизнес лойиҳалари рўёбига хизмат қилмоқда

Хусусан, ҳозирги кунда Навоий вилоятида 51 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей фаолият кўрсатаяпти. Уларни тамомлаган йигит-қизларни ишга жойлаштириш мақсадида корхона, ташкилот ҳамда муассасалар билан уч томонлама тузилган шартномалар ижроси изчил таъминланаётир. Мазкур жараёнда битирувчилар тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этилаётгани, айниқса, юқори самара бераётир. Бунда мамлакатимиздаги нуфузли молия муассасаларидан бири — “Микрокредитбанк” ҳам фаол қатнашаяпти.

Қизилтепа туманилик тадбиркор Зебо Рустамова ҳам жорий йил ўз бизнес лойиҳасини амалга ошириш ҳисобига касб-ҳунар коллежини тамомлаган 10 нафар қизни ишга таклиф қилди. Бунда “Микрокредитбанк”нинг Навоий филиали томонидан ажратилган 80 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит қўл келди. Натижада тикувчиликка ихтисослаштирилган “Асадбек Зиё Нур” хусусий корхонасига хориждан келтирилган қўшимча дастгоҳлар ўрнатилиб, бу ерда ишлаётганлар сони 30 нафарга етди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда “Микрокредитбанк”нинг устав капитали оширилиши билан унинг ёш тадбиркорлар бизнес-режаларини молиялаштиришдаги иштироки ҳам кенгайиб бораётир. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2013 йил 29 мартдаги “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, молия муассасаси филиалининг устав капитали дастлаб 72 миллиард сўмга, кейин эса 40 миллиард сўмга оширилиб, 200 миллиард сўмдан зиёдга етказилди.

Албатта, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун бошланғич сармоя зарур. “Микрокредитбанк” эса бу борада ишбилармонларнинг яқин кўмакчисига айланган. Масалан, молия муассасаси филиали томонидан биргина ўтган йили касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизларга бизнесни йўлга қўйишлари учун 2 миллиард 304 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада улардан 231 нафари доимий даромад манбаига эга бўлди. Қолаверса, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ҳамда ўз бизнесини ривожлантириш истагидаги ёшларни қўллаб-қувватлашда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда “Микрокредитбанк” ҳамкорлигида ўтказилаётган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” танлови муҳим аҳамият касб этаётир. Ушбу кўрикда навоийлик йигит-қизлар ҳам фаол иштирок этиб, кенг имконият ва имтиёзларга эга бўлмоқдалар.

Битирувчи иш бошлади. Демак, ёш авлоднинг жамиятдан муносиб ўрин эгаллаши йўлидаги ислоҳотлар самара бераяпти. Муҳими, улар эртага ўз эзгу ғоя ва ташаббуслари, изланиш ҳамда интилишлари билан юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишлари, шубҳасиз.

**Азамат ЗАРИПОВ.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

ИНТИЛИШ

# Фермер корхонасини кенгайтирди

*Избоскан туманидаги “Жонобод чорваси” фермер хўжалигининг сутни қайта ишлаш цехида янги турдаги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.*

Банкнинг 225 миллион сўмлик кредити эвазига бу ерга хориждан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Пировардида вилоятда биринчи бўлиб мевали ва шоколадли творог ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Эндиликда кунига 1,5 тонна сутдан тайёрланаётган ўнга яқин турдаги мазали маҳсулотлар водий вилоятларига етказиб берилмоқда. Яқин келажакда хўжалик жамоаси пишлоқ ҳамда йогурт ишлаб чиқаришни ҳам мўлжаллаяпти.

Айни пайтда Андижон вилоятида 6900 дан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юритаётган бўлса, шундан тўрт мингга яқини хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳалари ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси**

**танлов эълон қилади.**

**Танлов предмети:**

**Етказиб бериш** — планшетли сканерлар ва лазерли принтерлар (оқ/қора).

**Хизмат кўрсатиш** — компьютер, периферия ва ташкилий техникаларга техник хизмат кўрсатиш, АРМ «Наряд» ва АРМ «Бухгалтерия» махсус дастурий таъминотларини кузатиш (доимий ишлашини таъминлаш).

**Эълоннинг амал қилиш ва таклифларни қабул қилиш муддати: етказиб бериш бўйича — 2015 йил 21 декабргача, хизмат кўрсатиш бўйича — 2015 йил 25 декабргача.**

**Таклифларни қабул қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда узайтирилиши мумкин.**

**Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (0-371) 231-33-43, 252-30-36, 255-78-24. Факс: (0-371) 281-43-73, 281-43-74. E-mail: umts@mvd.uz**

1772A/842

**«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг**

**«Халқаро почтамт» филиали**

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ташкилотларга 2016 йилга таҳририятлар томонидан расмийлаштирилган обуна нашрларини экспедиция қилиш ҳамда республикамиз вилоятлари марказларида жойлашган почта алмашув пунктларигача етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга тайёр эканлигини маълум қилади.

1744R/816

**Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 233-48-89, (+99890) 176-51-44.**

**Барча турдаги юк автомобиллари ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун ШИНАЛАР**



Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.

1585R/740

**Тел.: (+99895) 170-32-52. Факс: (+99871) 250-07-40.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади!***

**2015 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

● Шеробод тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 25 январдаги 19-1003/21332-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, Сеплон маҳалласида сақланаётган:

● 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «ТТЗ.80-11» русумли трактор, давлат рақами СМ 90-32.

***Бошланғич баҳоси — 33 425 340 сўм.***

● 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-4-А» русумли трактор, давлат рақами СМ 90-98.

***Бошланғич баҳоси — 37 086 827 сўм.***

● 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-28хМС» русумли трактор, давлат рақами 08-71 СМ.

***Бошланғич баҳоси —6 378 864 сўм.***

● 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «ВТ-150» русумли трактор, давлат рақами СМ 90-97.

***Бошланғич баҳоси — 36 555 116 сўм.***

● Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Шўрчи тумани судининг 2015 йил 15 ноябрдаги 1-206-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани ИИБда сақланаётган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ВАЗ 21041-40» русумли автомашина, давлат рақами 75 С 464 FA.

***Бошланғич баҳоси — 18 943 510 сўм.***

● Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 24 майдаги 19-1306/3085-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, Амир Темур СИУ ва Денов тумани ИИБ ЙҲХБда сақланаётган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-4А» русумли трактор, давлат рақами CS 2581.

***Бошланғич баҳоси — 14 141 178 сўм.***

● Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 11 мартдаги 19-1102/832-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-5312» русумли, давлат рақами 19 АК 868.

***Бошланғич баҳоси — 8 733 863 сўм.***

● Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Бойсун тумани судининг 2014 йил 11 июлдаги 1-88-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21063» русумли автомашина, давлат рақами 75 L 162 DA.

***Бошланғич баҳоси — 3 047 220 сўм.***

● ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 18 январдаги 1-71-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли автомашина, давлат рақами 75 N 849 DA.

***Бошланғич баҳоси — 5 599 969 сўм.***

● Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Навоий шаҳар судининг 2014 йил 24 июндаги 1-243/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани ИИБ майдончасида сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-53212» русумли автомашина, давлат рақами 40 Н 820 ЕА.

***Бошланғич баҳоси — 11 331 503 сўм.***

● ЖИБ Денов тумани судининг 2014 йил 8 январдаги 1-341-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ГАЗ-24» русумли автомашина, давлат рақами 75 F 936 DA.

***Бошланғич баҳоси — 2 243 524 сўм.***

● ЖИБ Сариосиё тумани судининг 2014 йил 17 июндаги 1-207-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21013» русумли автомашина, давлат рақами 19 О 6838.

***Бошланғич баҳоси — 2 598 156 сўм.***

● Бойсун тумани СИБ томонидан ЖИБ Бойсун тумани судининг 2015 йил 12 майдаги 1-26-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани ИИБда сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Damas» русумли автомашина, давлат рақами 75 М 536 FA.

***Бошланғич баҳоси — 23 085 000 сўм.***

● ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2015 йил 5 майдаги 1-16-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ВАЗ-21063» русумли автомашина, давлат рақами 75 N 935 BA.

***Бошланғич баҳоси — 5 670 000 сўм.***

● Музработ тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2014 йил 26 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани ИИБда сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia» русумли автомашина, давлат рақами 75 Z 720 D.

***Бошланғич баҳоси — 10 658 345 сўм.***

● ЖИБ Музработ тумани судининг 2015 йил 14 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли автомашина, давлат рақами 75 F 781 FA.

***Бошланғич баҳоси — 14 985 000 сўм.***

● ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 20 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани МТП АЖда сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган, «МТЗ-80» русумли трактор, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 4 138 115 сўм.***

● Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 17 июлдаги 1-1640-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

● 2006 йилда ишлаб чиқарилган, «ВТ-150Е» русумли трактор, давлат рақами 85-85 ЕЦ.

***Бошланғич баҳоси — 90 000 000 сўм.***

● 2002 йилда ишлаб чиқарилган, «ТТЗ-80.11» русумли трактор, давлат рақами 16-58 ЕЖ.

***Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2015 йил 14 декабрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

2015 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

● Термиз шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 24 мартдаги 10-1503/1208-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 80-уйда сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ISUZU SAZ NQR71PL» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 75 113 GAA.

***Бошланғич баҳоси — 68 760 000 сўм.***

● Қизириқ тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 9 февралдаги 10-1403/23928-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Мадина Илҳом Қизи» фермер хўжалигида сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, «YTO-C1402» русумли бульдозер, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 170 000 000 сўм.***

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 14 декабрдаги аукцион савдосига — 2015 йил 11 декабрь куни соат 16.00 ва 2015 йил 30 декабрдаги аукцион савдосига 2015 йил 28 декабрь куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг «Трастбанк» ХАБ Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

1771A/33

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.**

**Гувоҳнома № 004059.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Буюк Британиянинг дунёга машҳур сайёҳлик компанияси — “Thomas Cook” сўнгги беш йилда биринчи марта даромад олишга эришди.*

# Ижобий кўрсаткич билан якунлади




Сентябрь ойида якунига етган навбатдаги молиявий йил таҳлиллари шуни кўрсатдики, ушбу даврда туроператор 23 миллион фунт стерлинг миқдорида маблағ ишлаб топган. Бир йил аввал эса компания 118 миллион фунт стерлингни бой берган эди.

Бироқ айни пайтда жаҳоннинг айрим ҳудудларида кузатилаётган нотинч вазият туризм соҳаси ривожига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур омил туфайли “Thomas Cook”нинг келгуси йиллардаги иқтисодий натижалари яна салбий томонга ўзгариши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

# Йўналишдан қайтарилди

*АҚШнинг “American Airlines” авиакомпаниясига қарашли самолёт Тампа шаҳридаги аэропортдан ҳавога кўтарилиб, бир оз вақтдан сўнг фавқулодда қўндирилди.*



Бунга лайнер двигателида юзага келган техник носозлик сабаб бўлган. Ушбу воқеа самолёт “Тампа — Филадельфия” йўналиши бўйича парвозни бошлаган пайтда юз берган. Ҳодиса оқибатида ҳеч ким жабрланмаган.

# Энг иссиқ йил

*БМТ Бутунжаҳон метеорология хизмати маълумотларига кўра, 2015 йил метеокузатувлар бошланганидан буён қайд этилган энг иссиқ йил сифатида тарихда қоладиган бўлди.*




“Айни шу масала яқинда БМТнинг иқлим муаммоларига бағишлаб ўтказиладиган навбатдаги конференциясининг асосий мавзуси бўлади”, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.

Табиатдаги ўзгаришларнинг салбий таъсирига Тибетдаги абадий музликларнинг эриб бораётгани ёрқин мисолдир. Сўнгги ярим асрда бу ерда унинг қалинлиги 26,5 сантиметр қисқарган.

# Статистика маълумотини эълон қилди

*Япониянинг “Sony” корпорацияси “PlayStation” русумидаги ўйин қурилмаларининг энг сўнгги, яъни тўртинчи авлоди савдоси бўйича статистика маълумотларини эълон қилди.*




Манбада қайд этилишича, “PlayStation 4” харидорлар ҳукмига ҳавола қилинганидан то ҳозирги вақтга қадар унинг 30,2 миллион донаси сотилган. Бу ушбу турдаги ўйин жиҳозлари савдоси тарихидаги энг яхши кўрсаткичдир.

Мазкур бозордаги йирик ишлаб чиқарувчилардан яна бири — “Microsoft” ўзининг “Xbox One” русумидаги ўйин жиҳозлари сотуви бўйича бирор бир маълумотни ошкор этгани йўқ. Япониянинг бошқа бир компанияси “Nintendo” эса 2015 йил 30 сентябргача “Wii U” русумли ўйин қурилмаларидан 10,73 миллион дона сотганини билдирди.

# Фойдасидан зарари кўп

*Денгиз ҳавоси кўпчилик ўйлаганидек, инсон организми учун у қадар фойдали эмас.*

Швециянинг Лунд университети мутахассислари ана шундай фикрни илгари суришмоқда. Олимларнинг айтишича, уммон ҳавоси таркибида кемалар ҳаракати туфайли ажралиб чиққан заҳарли моддалар кўп учрайди. Мазкур масалага янада аниқлик киритиш мақсадида илмий доиралар вакиллари шифокорлар билан ҳамкорликда нафас йўллари касалликларига чалиниб, денгизга яқин жойлашган масканларда ҳордиқ чиқарган кишиларнинг тиббий таҳлилларини ўрганишди. Натижада ушбу беморларга бундай ҳудудлар ҳавосининг нафидан кўра зиёни кўпроқ теккани маълум бўлди.

Мутахассислар астма хасталиги ривожланиши юқори инсонларга денгиз ҳавосидан баҳра олиш учун кемалар қатнови кам жойларга боришни тавсия этишмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Япониянинг Токио шаҳрида жойлашган “Akasaka” санъат саройида Самарқанднинг “Эл мероси” тарихий либослар театри тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбек миллий либослари ва безаклари намойиш этилган ушбу тадбирда мазкур мамлакат ижтимоий-сиёсий, илмий-академик доиралари вакиллари, маданият ҳамда санъат арбоблари қатнашди.*

# Японияда миллий либосларимиз тақдимоти

Тақдимотнинг очилиш маросимида йиғилганларга Ўзбекистоннинг тарихи ҳамда бугунги куни, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари, маданият ҳамда санъат соҳаларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбирнинг асосий қисмида “Эл мероси” ансамблининг “Абадиятнинг бир лаҳзаси” номли махсус дастури тақдим қилинди. У ўз ичига ўзбек халқининг қадимдан ҳозирги кунгача бўлган даврга оид либослари, бош кийимлари ва безаклари намойишини қамраб олди.

Шунингдек, тақдимотда халқимиз ҳаёти ҳамда миллий урф-одатлари акс эттирилган бадиий дастурлар гулдастаси томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Мамлакатимиз тарихининг турли даврларига мансуб бўлган бетакрор либосларнинг сара намуналари тадбирга ташриф буюрган санъат ихлосмандлари томонидан юксак баҳоланди. Бундан ташқари, япониялик томошабинлар миллий мусиқа ва рақсларни давомли гулдурос қарсаклар билан қарши олдилар.

**“Япония — Ўзбекистон” дўстлик уюшмаси президенти Нобухико Шима** “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида Кунчиқар мамлакатда ўзбек замини ҳамда унинг шонли тарихи ва кўп асрлик анъаналарига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

— Бугунги концерт дастурига минглаб томошабинлар ҳамда меҳмонлар ташриф буюрди, — деди Н. Шима. — Улар ўзлари билан ушбу қуёшли ўлканинг бир бўлагини, унинг такрорланмас маданияти ва санъатини олиб кетмоқдалар. Шубҳасиз, бу сингари тадбирлар Япониядан Ўзбекистонга борувчи сайёҳлар сонининг ортишига, халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**
Токио

# ҲАЁТ МАНБАИ

Маълумотларга кўра, дунё бўйича жами обиҳаёт захирасининг атиги 2-3 фоизини чучук сув ҳавзалари ташкил қилади. Қолаверса, мазкур бебаҳо неъмат сайёрамизда бир хил тақсимланмаганки, бу ундан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

ХИЗМАТ

“Сувсоз” давлат унитар корхонаси жамоаси айни шу жабҳада самарали меҳнат қилиб, Тошкент шаҳри аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаб келмоқда. Бунда тизимга замонавий технологиялар жалб этилаётгани, ичимлик ва оқова сув иншоотлари ҳамда насос станцияларининг барқарор ишлашига эришилаётгани муҳим омил бўлаётир.

Корхона тасарруфида еттита ичимлик суви ишлаб чиқариш иншооти мавжуд бўлиб, уларнинг умумий қуввати бир кеча-кундузда 2 миллион 326 минг куб метрни ташкил қилади. Шунинг 80 фоизидан ортиғи очиқ турдаги “Қодирё” ва “Бўзсув” иншоотларига, қолгани эса ёпиқ турдаги сув иншоотлари ҳиссасига тўғри келади.

Шаҳар бўйича сув тармоқларининг умумий узунлиги эса 3600 километрдан ортиқ. Уларнинг бенуқсон ишлаши, обиҳаёт сифати мутахассисларнинг доимий диққат-эътиборида. Шу мақсадда кейинги йилларда сувнинг сифати, унинг кимёвий кўрсаткичларини таҳлил этиш ва назорат қилишни тўлақонли таъминлайдиган замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиниб, улардан унумли фойдаланилаяпти.

Қолаверса, амалиётга автоматлаштирилган биллинг тизими жорий этилгани ҳам айни муддао бўлди. Унинг ёрдамида ойига ҳар бир хонадон ва мавзеда истеъмол қилинаётган ичимлик суви ҳажми асосида ўртача истеъмол миқдори аниқланади.

— Бугунги кунда пойтахтимиз аҳолиси хонадонларининг 50 — 55 фоизи сув ўлчаш ускуналари билан жиҳозланган. Бу молиявий жиҳатдан тежамкор бўлиб, тўловларни ҳисоблашда чалкашликларга ўрин қолдирмайди, — дейди корхонанинг сув тақсимоти бўлими бошлиғи Артём Багдасарян. — Сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш учун эса 169 та насос станциясининг аксарияти хориждан келтирилган электр энергиясини тежовчи замонавий қурилмалар билан алмаштирилди. Айни пайтда бу борадаги ишларни якунига етказиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.




Сув — ҳаёт манбаи. Ундан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш барчамизнинг бурчимиздир. Зеро, обиҳаётни яратиб, ишлаб чиқариб, захирасини жамлаб бўлмайди. Буни ҳар биримиз чуқур ҳис этган ҳолда, тизим аҳли томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириб борсак, мақсадга мувофиқдир.

**Усмон УСМОНОВ тайёрлади.**

АНЖУМАН

*Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан миллий дорбозлик санъатини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.*

# Халқ ўйинларининг эътирофи

Тадбирда мустақиллик йилларида халқ ўйинларига доир манбаларни тўплаш, ўрганиш ва қайта тиклаш жараёни изчил йўлга қўйилгани, Президентимиз раҳнамолигида номоддий маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш ва жаҳон миқёсида кенг танитишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Айниқса, бир неча йилдан буён Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан ўтказиб келинаётган миллий дорбозлик жамоалари иштирокидаги фестиваль ўзбек халқ томоша санъати ҳамда миллий ўйинларини тиклаш, шунингдек, ёшларнинг бой маънавий меросимиз, халқ ўйинларига бўлган қизиқиши ҳамда ҳурматини оширишга хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, жорий йилда “Дор ва дорости томошалари санъати” ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига тавсия этилди.

Анжуманда кўп минг йиллик тарихга эга миллий дорбозлик ҳамда халқ томоша санъати ривожи, республикамиздаги дорбозлик жамоалари фаолиятини таҳлил қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида сўз юритилди.

Тадбир доирасида миллий дорбозлик жамоалари ҳамда цирк гуруҳларининг ижро дастуридан видеолавҳалар намойиш этилиб, малакали мутахассислар томонидан маҳорат сабоқлари ўтказилди.

**Аброр МЕЛИБОЕВ.**

# Камида бир миллион даромад

*Бухоро шаҳридаги “Отбозор” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Муродовлар хонадони аъзолари қорақалпоғистонлик ва хоразмлик буюртмачилар учун 50 минг туп помидор кўчати тайёрлаб қўйишди.*

ИЗЛАНИШ

— Биз бедапоя тупроғи ва биогумусни тенг миқдорда аралаштириб, иссиқхонада помидор ҳамда булғор қалампири кўчатлари етиштирамиз, — дейди хонадон соҳиби Ҳайдар Муродов. — Мазкур усулда экилган уруғ бехато униб чиқади, кўчати ҳам одатдагидан эрта тайёр бўлади. Моддий манфаатдорликка келсак, ҳар сотих ердан камида бир миллион сўм даромад кўраяпмиз. Айни пайтда бизга қўшни Навоий, Қашқадарё вилоятларидан ҳам буюртмалар тушди.

Эътиборлиси, вилоятда иссиқхона хўжалиги жадал ривожланмоқда. Масалан, 2008 йилда улар сони қарийб олти юзтани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб, бу кўрсаткич икки мингтадан ошиб кетди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


«O‘zbekiston Respublikasi Oliy xo‘jalik sudi Axborotnomasi» — «Вестник высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан»га 2016 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.



Ахборотнома саҳифаларида:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари;
- хўжалик ишлари бўйича суд амалиёти тафсилотлари;
- чет эл арбитраж ҳамда хўжалик судлари тажрибаси;
- қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етук ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари ёритиб борилади.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК бўлимларида ҳамда республикамиздаги барча алоқа бўлимида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади.

Шунингдек, таҳририят орқали арзонлаштирилган нархда тўғридан-тўғри обуна бўлишингиз мумкин.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) 278-91-96, 273-96-60.

1757R/824


ЭЪЛОНЛАР


## «VIP REAL ESTATE» МЧЖ аукцион савдоларига таклиф этади.

**2015 йил 29 декабрь куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

● ФИБ Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 2014 йил 12 августдаги 3812-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Охунбобоев кўчаси, 4-уйда жойлашган, ер майдони 0,2747 гектар, фойдаланиш майдони 731,92 кв.м., 1-қаватда 16 та, 2-қаватда 18 та хонадан иборат 2 қаватли нотуаржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 286 257 500 сўм.***

● ФИБ Зангиота туманлараро судининг 2014 йил 29 январдаги 1-282/14-сонли ижро варақасига асосан, Зангиота тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эшонгузар» ҚФЙ, Гулираъно кўчаси, 2-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 607,0 кв.м. ва 10 та литердан иборат бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 185 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

— закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;

— хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

***

**«VIP REAL ESTATE» МЧЖ ва АТИБ «Ипотека-банк» Бош амалиёт бошқармаси** билан ҳамкорликда 2015 йил 29 декабрь куни соат 10.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 15-квартал, 17-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 78,27 кв.м., тураржой майдони 49,29 кв.м.дан иборат бўлган 21-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 240 000 000 сўм.***

Мазкур кўчмас мулк сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 12, 19, 26 январь кунлари соат 10.00 да ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархининг 1 (бир) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўлаши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак.

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**«VIP REAL ESTATE» МЧЖ**

томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 24 ноябрдаги 226(6409)-сонида берилган эълони, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 24 августдаги 10-1521/14068-сонли ижро варақасига асосан, Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 916 500 000 сўм бўлган АЁКШ, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 19 ноябрдаги 11-1227/13778-сонли ижро варақасига асосан, Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси — 573 623 000 сўм бўлган устахона биноси бўйича савдо санаси «2015 йил 11 декабрь» ўрнига «2015 йил 25 декабрь», деб ўқилсин.

**Қўшимча маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (+99895) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1768А/465



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2015 йил 22 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 2012 йил 10 августдаги 1510/12375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Кимёгар кўчасида жойлашган, умумий майдони 1378,63 кв.м. бўлган маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 496 813 000 сўм.***

*2016 йил 5 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 1 июндаги 1-2736/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:*

**1.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзеда жойлашган, умумий майдони 2100 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй (Блок Б ва В).

***Бошланғич баҳоси — 1 859 317 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзеда жойлашган, умумий майдони 2700 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй (Блок А).

***Бошланғич баҳоси — 1 796 349 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

1770А/34



## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 2014 йил 3 июндаги 1-24/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 156-«А» уй, Халқаро улгуржи савдо ярмаркаси ҳудуди, 8-блокда жойлашган, умумий майдони 17,0 кв.м.дан иборат бўлган 19-сонли савдо дўконининг 1/2 қисми қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 30 075 974 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

1777R/6


Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Олий хўжалик судининг судьяси Кароматжон Давлетовага волидаи муҳтарамаси **Гулсара АВАЗОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

02



Халқ сўзи — Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 041 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5